**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 04/30.12.2019. FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

ИЛХАМОВА НАРГИЗА БАХТИЯРОВНА

ТЕЗ ЭРУВЧАН ТАБЛЕТКАЛАР ВА ЦИКЛООКСИГЕНАЗА -2 ИНГИБИТОРЛАРИ АСОСИДА ПРЕПАРАТЛАР ЯРАТИШНИНГ БИОФАРМАЦЕВТИК АСПЕКТЛАРИ

15.00.01 – дори технологияси

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

УДК: 615.014.21:615.015:615.217.3:615.284

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Илхамова Наргиза Бахтияровна
Тез эрувчан таблеткалар ва циклооксигеназа -2 ингибиторлари асосида препаратлар яратишнинг биофармацевтик аспектлари.....3

Илхамова Наргиза Бахтияровна
Биофармацевтические аспекты создания быстрорастворимых таблеток и препаратов на основе ингибиторов циклооксигеназы-2.....29

Ilkhamova Nargiza Bahtiyarovna
Biopharmaceutical aspects for the creation of instant tablets and preparations based on cyclooxygenase-2 inhibitors.....55

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works.....59

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 04/30.12.2019. FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

ИЛХАМОВА НАРГИЗА БАХТИЯРОВНА

ТЕЗ ЭРУВЧАН ТАБЛЕТКАЛАР ВА ЦИКЛООКСИГЕНАЗА -2 ИНГИБИТОРЛАРИ АСОСИДА ПРЕПАРАТЛАР ЯРАТИШНИНГ БИОФАРМАЦЕВТИК АСПЕКТЛАРИ

15.00.01 – дори технологияси

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/Far24 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифаси (www.pharmi.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Назарова Зарифа Алимджановна** фармацевтика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Зайнутдинов Ҳикматилла Суннатович** фармацевтика фанлари доктори, профессор
	Олимов Немат Қаюмович фармацевтика фанлари доктори, профессор
	Сотимов Ғайрат Бахтиёрович техника фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	**А.Султонов номли Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «30» 09 соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38, факс: (99871) 256-45-04, e-mail:pharmi@pharmi.uz.)

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (5 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил:100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38).

Диссертация автореферати 2020 йил «16» 09 куни тарқатилди.
(2020 йил «16» 09 даги 5 рақамли реестр баённомаси).

К.С.Ризаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

Ё.С.Кариева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.д., профессор

Ф.Ф.Урманова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда фармация саноатининг асосий муаммоларидан бири янги дори воситаларини яратиш ва маълум бўлган дори воситаларини биофармацевтик хоссаларини яхшилаш ҳисобланади. Ҳозирги кунда сурункали яллиғланиш билан кечадиган юқумли сурункали касалликлар сонининг ортиши ҳисобига маҳаллий хом ашё асосида дори воситалари ва уларнинг биосамарадор дори шаклларини яратиш муаммолари ўта муҳим ҳисобланади.

Жаҳон миқёсида кенг қўлланиладиган дори препаратларнинг инновацион таркибини ва технологиясини, уларнинг замонавий, сезгир стандартизация усулларини яратиш ва саноат миқёсида ишлаб чиқаришни маҳаллий корхоналарда ташкиллаштириш борасида бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада олиб борилаётган илмий изланишлар яллиғланишга қарши тез эрувчан ва циклооксигеназа-2 ингибиторлари асосидаги дори препаратларни фармацевтика саноатида ишлаб чиқаришни янги иновацион технологиясини ишлаб чиқиш, импорт ўрнини босувчи дори препаратлари улушини кўпайтириш иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ечимини топишда муҳим ўрин тутмоқда.

Республикамизда фармацевтика йўналиши бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида маҳаллий фармацевтика саноатини ривожлантириш бўйича, жумладан экспорт қилишга мўлжалланган инновацион дори препаратларини яратиш ҳамда маҳалий ишлаб чиқаришга жорий қилиб импорт ўрнини босиш муаммолари ечими амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг IV-бобида «фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари билан таъминланишини яхшилаш»[1] га алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш, дори-дармонлар нархларининг асоссиз ўсишига йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги «2019 - 2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора - тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-5707 - сон фармони, 2018 йил 23 январдаги «Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора - тадбирлар тўғрисида» ги ПҚ-3489-сон, 2018 йил 14 февралдаги «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3532-сон қарорлари ва мазкур фаолиятга оид меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони».

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур илмий тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи[1]. Таблетка дори тури технологиясини ишлаб чиқиш ва унинг биофармацевтик аспектларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари жумладан, Institute of Pharmaceutical Science (Ҳиндистон), University of London, Cranmer Terrac (Буюк Британия), Institute of Pharmaceutical Sciences the University of Mississippi, Ohio University (АҚШ), Shinsung University, Institute Oriental Medicine (Корея), И.М.Сеченов номидаги Биринчи Москва Давлат тиббиёт университетида, Россия Халқлар дўстлиги университетида, Пятигорск фармацевтика академиясида (Россия Федерацияси), Харьков миллий фармацевтика университетида (Украина), Тошкент фармацевтика институтида (Тошкент) олиб борилмоқда.

Тез эрувчан таблеткалар технологиясини ишлаб чиқиш, доривор ўсимликлар асосида қаттиқ дори турлари таркибини танлаш, сифатини баҳолаш, турғунлигини ўрганиш ҳамда биофармацевтик нуқтаи назардан самарадорлигини аниқлашга оид олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: доривор ўсимликлар асосида яллиғланишга қарши препаратлар яратилишининг фармакотехнологик жиҳатлари белгиланган (Institute Oriental Medicine, Корея); таблетка дори турини тайёрлаш учун композицион ва технологик жараёнларни оптималлаштириш усуллари ишлаб чиқилган (Institute of Pharmaceutical Sciences the University of Mississippi (АҚШ); бир қатор тез эрувчан таблетка дозаларини ишлаб чиқариш технологиялари яратилган (И.М.Сеченов номидаги Биринчи Москва Давлат тиббиёт университети, Пятигорск фармацевтика академияси, Россия Федерацияси); таблетка дори шаклини технологиясини такомиллаштириш усуллари яратилган (Харьков миллий фармацевтика университети, Украина).

Дунёда тез эрувчан таблетка дори тури кўринишидаги препаратларни ва циклооксигеназа -2 ингибиторлари асосида дори воситаларни яратишнинг биофармацевтик аспектлари бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда: турли фармакотерапевтик гуруҳлар учун дозаланган қаттиқ дори шакллари технологиясини ишлаб чиқиш, сифатини назорат қилишни такомиллаштириш ва оптималлаштириш, биофармацевтик кўрсаткичларни аниқлаш ҳамда сақланиш муддатларини белгилаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Комбинирланган таркибли дори воситаларининг афзаллиги уларни яратиш бўйича кўп сонли тадқиқотларни ўтказиш учун асос бўлди. Комбинирланган таблетка дори шаклларини яратиш, мавжудларини технологияларини такомиллаштириш ва

[1] Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.elsevar.com/locate/jethpharm, www.springerlink.com/content ва бошқа манбалар асосида шакллантирилган

тиббиёт амалиётига жорий этиш борасидаги С.М.Маҳкамов, М.У.Усуббаев, У.М.Азизов, Х.К.Джалилов, З.А.Назарова, Х.М.Юнусова каби ўзбек олимларининг илмий тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга.

Фармакотехнологик жиҳатларни инобатга олиб, таблетка технологияларини такомиллаштириш ва ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказ ва олий ўқув юртларида, жумладан: И.М.Сеченов номидаги Биринчи Москва Давлат тиббиёт университети, Волгоград давлат тиббиёт университети, Пятигорск фармацевтика академияси, Украина Миллий фармацевтика университети, Фармакологик таълим ва изланиш институти (Ҳиндистон), Wisconsin-Staut университети, Ohio State University, National Nutritional Foods Association, National Centre for complementery and alternative medicine (АҚШ), Pharmaceutical and Food safety Bureau (Япония), Robert Koch Institute, National Research Centre for Environment and Health, Institute of Epidemiology (Германия), Inha University, Shinsung University ларида ҳам олиб борилмоқда.

Ушбу диссертация ишида юқорида келтирилган гуруҳларга мансуб препаратларнинг кобинирланган ва тез эрувчан таблетка дори шаклларини муайян таркиб ва технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг фармакотехнологик аспектларини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар ҳали олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Дори турлари технологиясини яратиш ва такомиллаштириш ҳамда уларнинг сифат ва биофармацевтик кўрсаткичларини ўрганиш» мавзуси асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тез эрувчан таблеткалар ва циклооксигеназа -2 ингибиторлари асосида дори шаклларини муайян таркиби ва технологиясини ишлаб чиқишдан ва биофармацевтик аспектларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тез эрувчан, муколитик ва циклооксигеназа-2 ингибиторлари асосида таблетка ва капсула шаклидаги яллиғланишга қарши препаратларининг таркиби ва технологиясини танлаш, тайёр маҳсулот сифатига таъсир этувчи омилларни ўрганиш ва ишлаб чиқариш технологияларининг асосий мезонларини аниқлаш;

олинган препаратларнинг таъсир этувчи моддаларини миқдорий таҳлил усулларини ишлаб чиқиш;

тавсия этилаётган таркиб ва технологияда олинган таблетка ва капсулаларнинг биофармацевтик хоссаларини in vitro усулида ўрганиш;

тавсия этилаётган препаратларнинг сақланиш шароити ва яроқлилик муддатини белгилаш;

олиб борилган тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб тавсия этилаётган дори препаратларини тиббиётда қўллашга ва ишлаб чиқаришга рухсат олиш учун меъёрий-техник ҳужжатларни тайёрлаш ва ЎзР ССВ «Дори воситалари,

тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази” ДУК га тақдим этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тиббиёт амалиётида кенг қўлланиладиган яллиғланишга қарши-парацетамол, аскорбин кислотаси, дифенгидрамин, ацетилсалицил кислотаси, муколитик воситалар - доривор алтей ва ланцетли термопсис қуруқ экстракти, циклооксигеназа-2 ингибиторлари - нимесулид, целекоксиб, мелоксикам ҳамда миорелаксант - толперизон ва гормонал восита - мелатонин дастлабки хом ашёлари ва улар асосида олинган таблетка дори шакллари танланган.

Тадқиқотнинг предмети яллиғланишга қарши, муколитик таъсирга эга ва циклооксигеназа-2 ингибиторлари дори воситаларининг истеъмолга қулай таблетка ва капсула дори шаклларининг таркиби, технологияси ва сифат меъёрларини ишлаб чиқиш, стандартлаш ва яроқлилик муддатларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда технологик, физик, физик-кимёвий, биофармацевтик, фармакологик усуллардан ва замонавий компьютер дастурларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор яллиғланишга қарши таъсир қилувчи «Антигриппин-Ш» тез эрувчан таблеткалар таркиб ва технологиялари ишлаб чиқилган;

муколитик таъсир қилувчи «Теркорбин» ва «Алтебин» тез эрувчан таблеткалар таркиб ва технологиялари ишлаб чиқилган;

циклооксигеназа-2 ингибиторлари асосидаги яллиғланишга қарши таъсирга эга «Ниме-S» ва «Нимзон» таблеткаларининг таркиби ва технологиялари ишлаб чиқилган;

илк бор циклооксигеназа-2 ингибиторлари асосидаги яллиғланишга қарши таъсирга эга «Целнинцил» ва «Мелоктонин» капсулалари таркиби ва технологиялари ишлаб чиқилган;

in vitro тажрибаларида ўтказилган биофармацевтик тадқиқотлар асосида тавсия этилаётган таблеткаларнинг фармакотехнологик хоссалари ўрганилган ва етарли биологик самарадорликка эгалиги исботланган;

тавсия этилаётган таблеткалар ва капсулалар сифатини назорат қилиш ва стандартлаш усуллари яратилган ҳамда уларнинг биосамарадорлиги, сақланиш шароити ва яроқлилик муддати белгиланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

яллиғланишга қарши «Антигриппин-Ш» тез эрувчан комбинирланган таблеткалари яратилган;

муколитик таъсирга эга «Теркорбин» ва «Алтебин» тез эрувчан таблеткалари яратилган;

циклооксигеназа-2 ингибиторлари таъсирига эга, «Ниме-S» ва «Нимзон» таблеткалари ва «Целнинцил» ҳамда «Мелоктонин» капсулалари яратилган;

«Ниме-S» ва «Алтебин» таблеткалари учун меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларинг ишончлилиги. Тадқиқотда олинган

натижаларнинг ишончлилик даражаси замонавий математик статистик таҳлил усуллари, физик-кимёвий, технологик, фармакологик, биофармацевтик текширувларидан фойдаланганлиги, шунингдек уларни саноат шароитида ишлаб чиқарилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Олиб борилган тадқиқотларнинг илмий аҳамияти илк бор яллиғланишга қарши таъсир қилувчи «Антигриппин-Ш» ва муколитик таъсирга эга «Теркорбин» «Алтебин» тез эрувчан таблеткалари, яллиғланишга қарши таъсир қилувчи циклооксигеназа-2 ингибиторлари асосидаги «Ниме-S» ва «Нимзон» таблеткаларини ҳамда «Целнинцил» ва «Мелоктонин» капсулаларининг муайян таркиби ва технологияси ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бугунги кунда маҳаллий фармацевтика корхонасида «Ниме-S» таблеткаларини, шунингдек «Алтебин» тез эрувчан таблеткаларини ишлаб чиқарилаётгани, ушбу препаратларнинг ишлаб чиқарилиши ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга эканлиги ҳамда бу препаратлар биофаоллиги бўйича ҳориждан импорт қилинадиган яллиғланишга қарши ва циклооксигеназа-2 ингибитор таъсирига эга препаратлар ўрнини босиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тез эрувчан таблеткалар ва циклооксигеназа-2 ингибиторлари асосида препаратлар яратишнинг биофармацевтик аспектларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Алтебин» таблеткаси учун корхона фармакопея мақоласи «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази» Давлат унитар корхонаси томонидан тасдиқланган (КФМ 42 Уз-15745533-2166-2017). Ушбу корхона фармакопея мақолаларининг тасдиқланиши муколитик таъсир этувчи дори воситаларини олиш имконини берган;

«Ниме-S» таблеткаси учун корхона фармакопея мақоласи «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази» Давлат унитар корхонаси томонидан тасдиқланган (КФМ 42 Уз15745533-3681-2019). Ушбу корхона фармакопея мақоласининг тасдиқланиши яллиғланишга қарши таъсир этувчи дори воситасини олиш имконини берган;

«Алтебин» таблеткалари «Мукалтин» номи билан ва «Ниме-S» таблеткалари «Нимекс» номи билан «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази» Давлат унитар корхонаси томонидан рўйҳатдан ўтказилган (DV/M №01893/11/17 ва №02739/08/19 гувоҳномалар). Мазкур препаратларнинг рўйҳатдан ўтказилиши уларни маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари томонидан ишлаб чиқариш имконини беради.

«Алтебин» ва «Ниме-S» таблеткаларини саноат регламенти (ПР РУз 42-03873/0323-2016 ва ПР 2072225-03-19) МЧЖ «SAMO» билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ва «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника

экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази» ДУК томонидан тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 8н-3/280-сон хати). Мазкур ҳужжатнинг тасдиқланиши натижасида муколитик таъсирга эга ва яллиғланиш касалликларини даволаш имконини берувчи дори воситалар учун меъёрий ҳужжатларни ўрнатилган тартибда ишлаб чиқарилишини ва рўйхатга олинишини имконини берган.

«Алтебин» ва «Ниме-S» таблеткаларининг ЎзР ССВ «Дори воситаларини экспертиза қилиш ва стандартлаш Давлат Маркази» ҳамда МЧЖ «New Innovation Pharm Group»да клиник олди ва Тошкент шаҳридаги №1 клиник шифохонада клиник тадқиқотлар ўтказилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 8н-3/280-сон хати, 2019 йил 5 мартдаги «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази» ДУКнинг фармакология қўмитаси баённомаси). Натижада олинган «Алтебин» таблеткасининг муколитик таъсирга ва «Ниме-S» таблеткасининг яллиғланишга қарши таъсирга эгалиги белгиланган ҳамда бир қатор касалликларни даволаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 18 та, жумладан 11 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан 10 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 199 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Дори препаратлари сифатини кафолатлашнинг замонавий концепцияси**» деб номланган биринчи бобида тез эрувчан бўлган, доривор ўсимликлар ва циклооксигеназа-2 ингибиторлари асосидаги дорилар ишлаб чиқаришнинг назарий ва амалий истиқболи ва бугунги кундаги ҳолати,

уларни ишлаб чиқишнинг принципиал аспектлари, циклооксигеназа-2 ингибиторлари асосидаги препаратлардан оқилона фойдаланиш, тайёр дори препаратлари сифатига таъсир этувчи омиллар, яллиғланишга қарши ва циклооксигеназа-2 ингибиторлари препаратларини яратиш муаммоларига баҳо беришнинг замонавий аспектлари ёритилган.

Дори препаратларини ишлаб чиқариш - аҳолини дори воситалари билан таъминлашнинг асосларидан бири эканлиги, муҳим ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ва соғлиқни сақлаш тизимига қилинадиган сарф-ҳаражатлар ўсишининг умумий тенденциялари дори воситаларининг янги турларини яратиш ва маълум бўлган турларини биофармацевтик жиҳатдан яхшилаб ишлаб чиқариш соҳасида илмий ёндашувларни талаб этиши ёритилган. Адабиётлар шарҳи таҳлил қилиниб чиқиб, бугунги кунда дори ишлаб чиқаришнинг талаблари асосида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва уларни комплекс ҳолда илмий асослаб ўрганиб, маҳаллий хом ашёлардан янги дори препаратлари яратиш долзарб масала эканлиги аниқланганлиги кўрсатиб ўтилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Ўзбекистон фармацевтика бозоридаги тез эрувчан таблеткалар ва циклооксигеназа-2 ингибиторлари асосидаги препаратлар таҳлили**» деб номланиб, бу препаратларнинг бозордаги конъюктурасини таҳлил қилишга бағишланган. Бу изланишларда «Drug Audit» электрон базасидаги ва Давлат Реестридаги (2015-2019) Ўзбекистон Республикасида бу дори препаратларининг қайд этилиши, ишлаб чиқарилиш ҳажми ва ишлатилиши таҳлил қилинди. Тадқиқотларда ушбу препаратларни ишлаб чиқарувчилар, дори препаратлар сегменти, конъюктураси қиёсий таҳлил қилинди.

Изланишларда «Drug audit» базасининг 2015, 2016, 2017, 2018 ва 2019 йиллар бўйича маълумотлар йиғиндисидан ҳамда фармацевтик препаратлар қайд этилувчи Давлат реестрида келтирилган маълумотлар қўлланилиб маҳаллий фармацевтик бозор ўрганилди.

Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб республикамизда бу препаратларга эҳтиёж ўсиб бораётгани кузатилди. Олиб борилган ҳар томонлама комплекс таҳлиллар асосида изланиш даврининг биринчи уч йилида, яъни 2015, 2016 ва 2017 йилларда бу дори препаратларга бўлган эҳтиёж ўртача 19 432 415 қадоқни ташкил этгангани кузатилди (65% истеъмолчи). Ҳар 10 кишидан 6 таси бу дори препаратларини потенциал истеъмолчиси ҳисобланади.

Бу дори препаратларининг сегмент таҳлили уларнинг асосан суюқ дори экани, яъни кўп қисми сиропларга тўғри келгани маълум бўлди.

Изланиш олиб борилган йиллардаги таҳлил натижалари маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан яллиғланишга қарши дори препаратлари ишлаб чиқаришнинг (қаттиқ дори турларининг) атиги 4,3 % ташкил этишини кўрсатди.

Олиб борилган таҳлил асосида бу препаратларни ишлаб чиқарилиш ҳолати орасидаги фарқ аниқланди.

Энг кўп қўлланиладиган яллиғланишга қарши дори воситаларидан

нимесулид, диклофенак натрий, парацетамол, мелоксикам, аскорбин кислотаси, ацетилсалицил кислотаси ва улар асосидаги дори препаратлари бўлиб, республикамизда изланиш йилларида уларни ишлаб чиқариш ўртача 4 122 465 қадоқни ташкил этади. Шунигдек, бу кўрсаткичларнинг йилдан йилга ортиб бораётгани ва улар асосан МДҲ давлатларига тўғри келаётганидан дарак берди. Маҳаллий фармацевтика бозори таҳлилида умумий нимесулид, ибупрофен, диклофенак, мелоксикам ва парацетамол асосидаги қаттиқ дори препаратларига бўлган эҳтиёж республикамизда ўртача 3435 327 қадоқни ташкил этади.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар таҳлилида эса уларнинг ҳиссаси сўнгги йилларда 9,45 % га тўғри келади.

Бундан ташқари бу моддалар асосидаги дори препаратлари асосан МДҲ ва ҳорижий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқилган дори препаратлари эканлиги маълум бўлди. Ўрганилган йилларда яллиғланишга қарши препаратлар юқоридаги моддаларни алоҳида ҳамда комбинация кўринишида маҳаллий фармацевтик бозорда эканлиги кузатилди.

Олинган таҳлил натижалари қиёсий ўрганилгани ҳолати қуйидагиларни намоён қилди: ҳориж давлатларидан келтирилган яллиғланишга қарши препаратлар улуши 32,11%, 47,09% МДҲ давлатларига ва атиги 10,80% маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхона маҳсулотларига тўғри келади.

Бу кўрсаткичлар ўз навбатида бу препаратларга нисбатан истеъмолчининг талаби борлигини ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан бу препаратларни ишлаб чиқариш кенгайтирилиши лозимлигини кўрсатади ва бу ўз навбатида бозордаги бу препаратларга нисбатан нарҳнинг ошиб кетиши олдини олади.

Ўзбекистон ҳудудида ишлатишга рухсат этилган йўталга қарши ва балғам кўчирувчи дори препаратларининг ассортименти структураси бу гуруҳ препаратлари яллиғланишга қарши препаратлар билан ҳам комбинация ҳолида учрашини кўрсатди. С гуруҳга мансуб балғам кўчирувчи препаратлар ўз навбатида балғам кўчирувчилар (СА) ва балғам кўчирувчилар - муколитиклар (СВ) гуруҳларига бўлинади. Умумий бу гуруҳ препаратлари маҳалий фармацевтика бозорида 60% ни эгаллайди. Д гуруҳга мансуб йўталга қарши препаратлар ҳам икки гуруҳчага бўлиниб, булар марказий таъсирга эга йўталга қарши препаратлар 28,1% (DA) ва периферик таъсирга эга йўталга қарши препаратлар 31,8 (DB). F гуруҳга мансуб (5,9%) йўталга қарши воситалар балғам кўчирувчи воситалар билан комбинацияларида қуйидаги гуруҳчаларда учрайди: опий ҳосилаларининг балғам кўчирувчилар билан комбинациялари 1,4% (FA), йўталга қарши воситаларнинг балғам кўчирувчилар билан комбинацияси 4,4% (R05FB) ва яллиғланиш касалликларида қўлланиладиган қолган комбинирланган воситалар 2,9% (R05X).

Сотиш номи билан кўрадиган бўлсак, С гуруҳга мансуб балғам кўчирувчи препаратлар 146 номда (61,1%), СА гуруҳига кирувчи балғам кўчирувчилар 80 номда (33,5%) ва СВ гуруҳидаги балғам кўчирувчилар-муколитиклар 66 (14%) эканлиги изланишларимизда кузатилди. Д гуруҳга

мансуб йўталга қарши препаратлар 53 номда (21,9%), ДА гуруҳига кирувчилар: марказий таъсирга эга йўталга қарши препаратлар 24 номда (9,9%) ва ДВ гуруҳига кирувчи периферик таъсирга эга йўталга қарши препаратлар 7 номда (2,9%) сотилиши кузатилди. F гуруҳга мансуб йўталга қарши воситалар балғам кўчирувчи воситалар билан комбинацияларида 35 номда (15,4%), FA гуруҳидаги опий ҳосилаларининг балғам кўчирувчилар билан комбинациялари 3 номда (1,2%), R05FB гуруҳидаги йўталга қарши воситаларнинг балғам кўчирувчилар билан комбинацияси 8 номда (3,3%) ва R05X гуруҳидаги шамоллашда қўлланиладиган қолган комбинирланган воситалар 6 номда (2,6%) учраши ва сотилиши аниқланди.

Жами Ўзбекистон ҳудудида ишлатишга рухсат этилган йўталга қарши ва балғам кўчирувчи дори препаратларининг ассортименти структурасини ўрганиш натижасида уларнинг 242 номда (100%) учраши ва сотилиши маълум бўлди.

Ассортимент таҳлили асосан йўталга қарши ва балғам кўчирувчи дори препаратларининг 2015-2019 йил дори турлари бўйича ассортименти структураси суюқ дорилар лидерлик қилганини кўрсатади.

Олинган натижалар шуни кўрсатди: ўрганилган йилларда жами қаттиқ дори препаратлар 41,9%, жумладан таблеткалар 38%, пастилкалар 15,4%, гранулалар 3,5%, кукунлар 2,6 % ва драже лар 0,8% ташкил этади. Жами суюқ дори препаратлардан: томчилар 6,6%, инъекция учун эритмалар 3,1%, ингаляция учун эритмалар 1,8%, экстрактлар 1,8%, эмульсиялар 0,8% ва элексирлар 0,5% ни ташкил этиши аниқланди. Юмшоқ дори турларидан суртмалар 1,3% ни ташкил этади.

Жами бошқа дори турлари маҳаллий фармацевтика бозорида 6,2% ни ташкил этади.

Жумладан табиий хом ашёлардан олинадиган дори препаратлари 4% ни ва йиғмалар 2,1% ни ташкил этади. Шунингдек, бу гуруҳ препаратлари яллиғланишга қарши препаратлар билан ҳам комбинация ҳолида учрайди. С гуруҳга мансуб балғам кўчирувчи препаратлар жами 136 та, ўз навбатида СА гурухига кирувчи балғам кўчирувчилар жами 135 та ва балғам кўчирувчилар - муколитиклар (СВ) жами 30 та препаратни ташкил этади. Д гуруҳга мансуб йўталга қарши препаратлар жами 5та, марказий таъсирга эга йўталга қарши препаратлар (DA) 20 та ва периферик таъсирга эга йўталга қарши препаратлар (DB) 33 та препаратни ташкил этади.

Комбинирланган препаратлар (йўталга қарши + балғам кўчирувчи) эса жами 87,9% ни, комбинирланган йўталга қарши препаратлар 60% эканлиги таҳлил натижаларидан олинди.

Маҳалий ишлаб чиқарувчилар томонидан изланиш йилларида 58,5% сироп, 49,8% таблетка дори турлари ва қолган дори препаратлари ишлаб чиқилиб истеъмолчилар эътиборига етказилган.

Кўриниб турибдики, сироплар барча дорилар ичида лидерликни эгаллаб турибди, кейинги ўринларда таблетка дори турлари, инъекцион дори турлари турибди. Капсула дори турлари 11,3% миқдорни ташкил этяпти.

Кейинги изланишлар маҳаллий фармацевтика бозоридаги балғам кўчирувчи препаратларни олиб кирувчилар таҳлилига бағишланди. Олинган натижалардан кўриниб турибдики, МДҲ давлатларидан кириб келадиган балғам кўчирувчи препаратлар миқдори йилдан йилга турлича кўрсаткичларни намоён этади. 2017 йилда 38,5% ни ташкил этган бўлса кейинги йилларда мос равишда 27,1% ва 49,3% ни ташкил этади. Кейинги ўринда ҳорижий, сўнг маҳаллий ишлаб чиқарувчилар туради. 2017 йилда ҳориждан 20% олиб кирилган бўлса, 2018 йилда 18,2% ва 2019 йилда эса 14,6% ни ташкил этади.

Улар билан бирга маҳаллий фармацевтика бозорида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар улуши қуйидаги кўрсаткичларни кўрсатди: 2017 йилда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқилган балғам кўчирувчи препаратлар 9,6% ни, 2018 йилда 17,8% ни ва 2019 йилда эса 15,4% ни ташкил этади.

Бу кўрсаткичлар ўз ўрнида бу турдаги дори препаратларга истеъмолчилар томонидан талаб борлигини ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилиши улушини ошириш лозимлигини кўрсатади.

Тадқиқотлар асосида яллиғланишга қарши тез эрувчан ва циклооксигеназа ингибиторлари асосидаги препаратларнинг бозори 2015-2019 йилларда асосан импорт қилинадиган дори воситаларидан ва қисман маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотдан ташкил топгани аниқланди.

Хулоса қилиб айтганда, маҳаллий фармацевтика бозоридаги балғам кўчирувчи препаратларнинг таҳлили улар ассортиментини кенгайтириш ва

ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳамда истеъмолчиларни биофаол турғун ва арзон дори препаратлари билан таъминлаш лозимлигини кўрсатди.

Диссертациянинг учинчи боби «**Яллиғланишга қарши тез эрувчи таблеткалар технологиясини яратиш борасидаги тадқиқотлар**» деб номланиб, тез эрувчан таблетка шаклидаги яратилаётган янги яллиғланишга қарши препаратларни таркиби ва технологиясини танлашнинг асосий мезонларини ўрганиш натижалари, «Антигриппин-Ш» ва балғам кўчирувчи ҳамда муколитик таъсирли тез эрувчан таблеткаларини муайян таркиби ва технологиясини танлаш борасидаги тадқиқотлар натижалари, шунингдек тавсия этилаётган таблеткалар сифатини ва миқдорини аниқлаш борасидаги тадқиқотлар натижалари келтирилган.

1-жадвалда таркибидаги ёрдамчи моддалар миқдори ва тури билан яқин бўлган еттита композиция келтирилди.

Навбатдаги тадқиқотларимиз тез эрувчи «Антигриппин-Ш» таблеткалари технологиясини ишлаб чиқиш мақсадида унинг таркибига кирувчи субстанцияларни технологик хоссаларини ўрганишга, шунингдек, субстанцияларнинг нам донадорлаш усулига қараб бир-бирига аралашгандаги кинетикаси, ҳамда оптимал намлаш технологиясини яратишга бағишланди. Таркиб танлашда қуйидаги фаол ва ёрдамчи моддалардан фойдаланилди: рутин, аскорбин кислотаси, ацетилсалицил кислотаси, дифенгидрамин,

парацетамол, вино кислотаси, лимон кислотаси (моногидрат, ангидрид), олма кислотаси, янтарь кислотаси, натрий гидрокарбонат, натрий карбонат, натрий цитрат, поливинилпирролидон (ПВП), крахмал, метилцеллюлоза, КМЦ, натрий-КМЦ кабилар.

1-жадвал

«Антигриппин-Ш» тез эрувчи таблеткалар таркиби композициялари

Ингредиентлар	«Антигриппин-Ш» тез эрувчи таблеткалари						
	Композициялар						
	К-1	К-2	К-3	К-4	К-5	К-6	К-7
Парацетамол	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	**0,25**
Дифенгидрамин	0,02	0,02	0,02	0,02	0,02	0,02	**0,01**
Аскорбин кислотаси	0,3	0,3	0,3	0,3	0,3	0,3	**0,10**
Рутин	0,02	0,02	0,02	0,02	0,02	0,02	**0,01**
Натрий цитрат (сувсиз)	0,180	0,180	0,180	0,180	0,180	0,180	**0,180**
Лимон кислотаси				1,028	1,028	1,028	**1,028**
Вино кислотаси	1,028		1,028				
Олма кислотаси		1,028					
Натрий гидрокарбонат	0,926	0,926					**0,926**
Натрий карбонати						0,926	
Натрий гидрокарбо-нат+ Натрий карбонат(1:1)			0,926		0,926		
Калий гидрокарбонат				0,926			
Поливинилпирро-лидон							
Кальций стеарат	0,026	0,026	0,026	0,026	0,026	0,026	**0,026**
Ўртача Оғирлик	2,58	2,58	2,58	2,58	2,58	2,58	**2,58**

Тадқиқотларимизда тавсия этилаётган тез эрувчан намуна таблеткаларининг парчаланишига ёрдамчи моддаларни таъсирини ўрганилди. Бунда таблеткаларини намлаш мақсадида бир қатор фармация амалиётида бугунги кунда кенг ишлатилаётган ёрдамчи моддалардан фойдаланилди.

Тадқиқотларнинг кейинги босқичида юқорида келтирилган композицияли таркибларнинг технологик хоссалари ўрганилди. Технологик хоссалар XI ДФ си ва мос МҲ ларда келтирилган усулларда ўрганилди. Олинган натижалар 7-таркибдаги композиция ижобий кўрсаткичлар намоён қилганини кўрсатди. Тадқиқот натижаларидан сочилма зичлик (730,19 кг/м^3), сочилувчанлик ($7{,}1\cdot10^{-3}$ кг/с), табиий оғиш бурчаги (32 градус), пресслаш коэффициенти (1,15), зичланиш коэффициенти (2,6) позитив параметрларни намоён қилгани кузатилди.

Шундай қилиб, олиб борилган ҳар томонлама ўрганилган тадқиқотлар асосида таркиб танланди ва 2-жадвалда келтирилди.

2-жадвал

Тавсия этилаётган технологияда олинган тез эрувчи «Антигриппин-Ш» таблеткаларнинг сифатини ўрганиш натижалари

Таблетка номи	Композиция-лар	Ташқи кўриниши	Ўртача оғирлик ва ундан четла-ниш, г	Парча-ланув-чанлик, мин	Синиш-га бўл-ган қат-тиқлик, Н	Ишқала-нишга бўлган қаттиқ-лик, %	Таблетка баланд-лигини диамет-рига нис-бати, %	Эрит-манинг pH муҳити
«Антигриппин-Ш»	К-1	Оч сариқ, лимон рангли, ҳидсиз, цилиндрик шаклли, таблеткалар	2,52± 3,5	5,58	39	87,23	34	4,5
	К-2	-//-	2,49±4,5	6,25	33	84,90	40	4,9
	К-3	-//-	2,59± 4,1	4,97	54	79,45	44	5,2
	К-4	-//-	2,61± 3,2	6,99	39	81,56	39	5,0
	К-5	-//-	2,55± 4,3	4,51	45	64,89	45	4,7
	К-6	-//-	2,57± 4,7	5,96	32	78,56	48	5,5
	К-7	-//-	**2,58± 3,2**	**3,55**	**62**	**99,15**	**37**	**5,9**

Шундай қилиб, юқоридаги тадқиқотлар натижаларидан келиб чиқиб, «Антигриппин-Ш» тез эрувчи таблеткалари барча талабларга жавоб берганлигини кузатганимиз сабабли, кейинги тадқиқотлар учун К-7 таркиби танлаб олинди.

Маҳаллий ва табиий хом ашёлардан фойдаланиб дори препаратлари яратиш фармация соҳасининг муҳим вазифаларидан биридир. Шуларни инобатга олган ҳолда кейинги тадқиқотлар маҳаллий доривор ўсимликлар асосида балғам кўчирувчи тез эрувчи таблеткалар технологиясини ишлаб чиқишдан иборат бўлди. Тадқиқот объекти сифатида доривор алтейнинг ва ланцетли термопсиснинг қуруқ экстрактларини олинди. Доривор алтейнинг қуруқ экстракти ва ланцетли термопсиснинг қуруқ экстракти жигар рангли, ўзига хос ҳидли кукунлар. Ҳар иккала қуруқ экстракт полидисперс аморф кукунлар қаторига киради. Масалан, доривор алтейнинг қуруқ экстракти кукуни +2000 мкм фракцияга 4,22%, -2000 +1000 мкм фракцияга 10,26, -1000+500 мкм фракцияга - 32,35%, шунигдек -500+250 мкм фракцияга - 27,15% ва -250 мкм фракцияга эса - 26,02% га тўғри келганини кузатдик. Уларнинг ўртача масса оғирлиги 459,51 мкм га тўғри келди. Бу эса уларнинг микроскопик тадқиқотларда олинган натижаларидан 28,54 маротаба катталигини кўрсатди.

Ланцетли термопсис қуруқ экстракти кукуни +2000 мкм фракцияга 4,67%, -2000+1000 мкм фракцияга 12,55, -1000+500 мкм фракцияга - 29,99%, шунигдек -500+250 мкм фракцияга -26,85% ва -250 мкм фракцияга эса - 25,94% га тўғри келганини кузатдик. Ланцетли термопсис қуруқ

экстрактининг ўртача масса оғирлиги микроскопик тадқиқотларда ўртача 14,9 мкмни ташкил қилиб, фракцион таркибни аниқлашда олинган кўрсаткичдан 43,53 маротаба кичик эканлигини кўрдик. Технологик хоссаларини ўрганишда қуйидагилар кузатилди: хом ашёлар негатив сочилувчанлик кўрсаткични (0,598 дан то $0,892*10^{-3}$ кг/с), сочилма зичликни (298,54 дан то 698,24 кг/м^3), табиий оғиш бурчагини (61,82 дан то 64,92 градусгача) намоён қилди, ўрганилаётган қуруқ экстрактлар катта қолдиқ намликка (3,11 дан то 5,95%) ва ғовакликка эга кукунлардир (68,35% дан то 58,98%гача). Тадқиқот натижалари доривор алтей ва ланцетли термопсис қуруқ экстракти, ҳамда аскорбин кислотаси хом ашёларидан ёрдамчи моддалар комплексини қўлламасдан таблетка дори тури яратиш имкон йўқлигини кўрсатди. Шартли равишда «Теркорбин» деб номланган таблеткалар учун термопсис қуруқ экстракти, аскорбин кислотаси, вино кислотаси, натрий гидрокарбонат ва кальций стеарат каби ёрдамчи моддалардан фойдаланилди. Вино кислотаси ва натрий гидрокарбонати асосан яратилаётган таблеткаларнинг тез эришини таъминлаш мақсадида, аскорбин кислотаси доривор модда сифатида иммунитетни оширишга ва кальций стеарати эса упаловчи модда сифатида қўлланилди.

Тавсия этилаётган таблеткаларининг сифат кўрсаткичларини ўрганиш натижалари 3-жадвалда келтирилди.

Тавсия этилаётган таркиб бўйича олинган таблеткаларда XI ДФ томонидан келтирилган кўрсаткичлар ўрганилди: ташқи кўриниши, ўртача оғирлик ва ундан четланиш, парчаланувчанлик, ишқаланишга бўлган қаттиқлик, синишга бўлган қаттиқлик, таблетка баландлигининг диаметрига нисбати. Ҳамма ўрганилган таркиблар ичида юқоридаги талабларга К-1 таркибли композиция жавоб берди. «Теркорбин» таблеткалари учун К-2, К-4, К-5 ва «Алтебин» таблеткалари учун К-2 композициялар бўйича олинган таблеткалар парчаланиш кўрсаткичи бўйича талабга жавоб бермади. К-2, К-4, К-5 композицияларда олинган «Теркорбин» таблеткалари ишқаланишга бўлган қаттиқлик кўрсаткичлари бўйича талабга жавоб бермаган бўлса, «Алтебин» тез эрувчи таблеткаларида К-2, К-4, К-5 композициялар асосида олинган таблеткалар таблетка баландлигининг диаметрига нисбати кўрсаткичи бўйича чегарада тургани намоён бўлди.

Шунингдек, уларнинг синишга бўлган қаттиқлиги ҳам талаб даражасида эмаслиги кузатилди. «Теркорбин» ва «Алтебин» тез эрувчи таблеткаларининг ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни қуйидагидан иборат: тавсия этилаётган таркибда (К-1 таркиб) барча ингредиентлар тортиб олиниб майдалаб эланади.

«Теркорбин» таблеткалари учун термопсис қуруқ экстракти, аскорбин кислотаси, вино кислотаси, натрий гидрокарбонати ва кальций стеарати кабилардан фойдаландик. «Алтебин» таблеткалари учун ҳам алтей қуруқ экстрактидан ташқари юқоридаги аскорбин кислотаси, вино кислотаси, натрий гидрокарбонати ва кальций стеарати кабилардан фойдаландик.

3-жадвал

«Теркорбин» ва «Алтебин» тез эрувчи таблеткаларининг сифат кўрсаткичларини ўрганиш натижалари

Таблетка номи	Композициялар	Ташқи кўриниши	Ўртача оғирлик ва ундан четланиш, г	Парчаланувчанлик дақ.	Синишга бўлган қаттиқлик, Н	Ишқаланишга бўлган қаттиқлик, %	Таблетка б/дмга нисбати, %
«Теркорбин»	К-1	Жигар рангли, ҳолдор, ўзига хос ҳидли, цилиндрик, таблеткалар	0,321±5,34	8	57	98,44	37,82
	К-2	-//-	0,321±5,45	15	56	95,14	34,43
	К-3	-//-	0,355±4,94	14	55	97,90	36,30
	К-4	-//-	0,354±5,78	16	56	95,77	33,56
	К-5	-//-	0,301±5,55	19	55	94,15	31,04
	К-6	-//-	0,320±4,57	17	54	97,95	33,75
	К-7	-//-	0,302±5,75	14	50	97,66	38,23
«Алтебин»	К-1	Жигар рангли, ҳолдор, ўзига хос ҳидли, цилиндрик, таблеткалар	0,316±4,95	8	60	98,49	35,22
	К-2	-//-	0,316±4,99	19	35	98,66	30,26
	К-3	-//-	0,296±4,65	11	53	98,35	34,73
	К-4	-//-	0,306±5,47	10	35	98,23	31,35
	К-5	-//-	0,311±5,49	9	33	98,97	31,25
	К-6	-//-	0,301±5,22	18	52	98,76	35,11
	К-7	-//-	0,310±5,65	15	34	99,05	30,24

Сўнгра аралаштиргичга натрий гидрокарбонатдан бошқа барча ингредиентлар солиниб яхшилаб аралаштирилади. Тозаланган сув билан намланиб донадорланади ва гранулят 0,2 - 0,5% намликкача 40-55^0 С ҳароратда қуритилиб, 1200 мкм элакдан эланади. Натрий гидрокарбонат ва антифрикцион моддалар билан аралаштирилиб упаланади. Ҳосил бўлган массани хона намлиги 5-20% бўлгани ҳолида прессланади. Прессланш 50-180 МПа босимда, 9 мм диаметрли пуансонларда олиб борилади. Таблеткалар жигар рангли, ҳолдор, қаттиқлиги 57 Н, парчаланиши (эрувчанлиги) 8 дақиқа эканлиги кузатилди.

Диссертациянинг тўртинчи боби **«Циклооксигеназа-2 ингибиторлари асосида яллиғланишга қарши дори препаратларини яратиш»** деб номланиб, «Ниме-S», «Нимзон» таблеткаларини ва «Целнинцил» «Мелоктонин» капсулалари технологияларини яратиш борасидаги тадқиқотлар, уларнинг сифат кўрсаткичларини ўрганиш натижалари келтирилган. Тадқиқотлар йигирмадан ортиқ таркибларда олиб борилди. Таркиб танлашда юқоридаги ёрдамчи моддалар алоҳида ва биргаликда

қўлланилди.

4-жадвалда тавсия қилинаётган, «Ниме-S» ва «Нимзон» таблеткаларнинг 5 тадан такриблари келтирилди.

4-жадвал

«Ниме-S» ва «Нимзон» таблеткалари учун таркиблар композицияси

Ингредиентлар	Композициялар									
	«Ниме-S» таблеткалари					«Нимзон» таблеткалари				
	К-1	К-2	К-3	К-4	К-5	К-1	К-2	К-3	К-4	К-5
Нимесулид	**0,1**	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	**0,1**	0,1	0,1
Дифенгидрамин	**0,02**	0,02	0,02	0,02	0,02	0,02	0,02	**0,02**	0,02	0,02
Толперизон						0,05	0,05	**0,05**	0,05	0,05
Сахароза		0,025	0,032							0,034
Лактоза моногидрат	**0,164**	0,032			0,082	0,034	0,072			
Глюкоза		0,025	0,050	0,082					0,034	
Жўҳори крахмали		0,048					0,055			0,093
Картошка крахмали	**0,095**		0,048		0,050	0,093		**0,022**	0,093	
МКЦ				0,098				**0,045**		
ПВП					0,048			**0,040**		
Стеарин кислотаси				0,003						
Кальций стеарати	**0,003**	0,003	0,003		0,003	0,003	0,003	**0,003**	0,003	0,003
Ўртача оғирлик	**0,3**	0,3	0,3	0,3	0,3	0,3	0,3	**0,3**	0,3	0,3

Олинган таблеткаларнинг қуйидаги сифат кўрсаткичлари ўрганилди: ташқи кўриниши, ўртача оғирлик ва ундан четланиш, парчаланиш, синишга ва ишқаланишга бўлган қаттиқлик, таблетка баландлигининг диаметрига нисбати. Олинган натижалар 5-жадвалда келтирилди.

5-жадвалда келтирилишича, турли композициялардан олинган «Ниме-S» таблеткалари учун К-1 таркиб ва «Нимзон» таблеткалари учун эса К-3 таркиб сифат кўрсаткичлари бўйича талабга жавоб берди.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида «Ниме-S» таблеткалари учун танлаб олинган К-1 таркиб бўйича олиниш технологияси қуйидагилардан

иборат: керакли миқдордаги биофаол моддалар олиниб, майдаланади. Барча ёрдамчи моддалар (кальций стеаратидан ташқари) тешигининг диаметри 150 мкм бўлган элакдан эланади, аралаштирилади, 2% крахмал клейстери билан намланади. Такроран тешигининг диаметри 1000 мкм бўлган элакдан ўтказилади ва 40-50^{0}С ҳароратда муайян намликкача қуритилади. Олинган гранулалар кальций стеарати ва крахмал аралашмаси билан упаланади.

5-жадвал

Тавсия этилаётган «Ниме - S» ва «Нимзон» таблеткаларининг сифат кўрсаткичларини ўрганиш натижалари

Таблетка	Композиция-лар	Ташқи кўриниши	Ўртача оғирлик ва ундан четланиш, г	Парчаланув-чанлик, дақ.	Синишга бўлган қаттиқлик, Н	Ишқаланишга бўлган қаттиқлик, %	Таблетка баландлигини диаметрига нисбати, %
«Ниме – S»	**К-1**	Оқиш крем рангли, ҳидсиз, цилиндрик шаклли, таблеткалар	0,302±4,49	10	62	98,88	37,78
	К-2	-//-	0,301±4,69	15	60	98,56	37,98
	К-3	-//-	0,302±4,55	17	59	99,35	38,00
	К-4	-//-	0,301±4,78	19	61	98,99	37,99
	К-5	-//-	0,302±4,57	20	60	99,18	38,90
«Нимзон»	К-1	Оқ рангли, ҳидсиз, цилиндрик шаклли, таблеткалар	0,292±3,25	14	54	99,46	37,32
	К-2	-//-	0,310±4,21	18	57	98,35	38,22
	К-3	**-//-**	0,299±3,95	11	65	99,15	37,55
	К-4	-//-	0,294±5,35	22	61	98,43	34,25
	К-5	-//-	0,304±3,43	19	59	99,51	36,98

Олиб борилган тадқиқотлар асосида танлаб олинган «Нимзон» таблеткаларини К-1 таркиб бўйича олиниш технологияси қуйидагилардан иборат: керакли миқдордаги биофаол моддалар олиниб майдаланади ва аралаштирилади. Барча ёрдамчи моддалар (кальций стеаратидан ташқари) тешиклар диаметри 150 мкм бўлган элакдан эланади, аралаштирилади, 2% поливинилпиролидон эритмаси билан намланади ва тешигининг диаметри 1000 мкм бўлган элакдан ўтказилади. Сўнг 40-50^{0}С ҳароратда муайян қолдиқ намликкача қуритилади. Олинган гранулалар кальций стеарати ва крахмал аралашмаси билан упаланади. «Ниме-S» ва «Нимзон» таблеткалари ўртача оғирлиги 0,3 г қилиб диаметри 9 мм бўлган қолипларда 150-180 МПа босим остида прессланади.

Ушбу бобда яллиғланишга қарши кучли таъсирга эга НЯҚП асосида ишлаб чиқилган капсула шаклидаги комбинирланган препаратнинг технологиясини танлаш борасидаги тадқиқотлар ҳам келтирилди.

Инновацион хусусиятга эга бўлган целекоксиб, мелотанин и ацетилсалицил кислотаси композицияси асосида комбинирланган масса яратилиб, шартли равишда «Целнинцил» деб номланди. Шунингдек, мелоксикам ва мелатонин композицияси асосида капсула массаси яратилиб шартли равишда «Мелоктонин» деб номланди. Муайян таркиб танлаш мақсадида уч омилли «3×4» биринчи тартибли симметрик бўлинган режа ёрдамидан фойдаландик. Тадқиқотларни олиб боришда дастлаб тўлдирувчи моддалар компонентлари (А), боғловчи моддалар тури (В) ва антифрикцион моддалар тури (С) танлаб олинди.

6-жадвал

Капсула таркибидаги ёрдамчи моддаларни танлашда лотин квадрати параметрлари

Тўлдирувчилар А	Боғловчилар В	Антифрикцион моддалар С
A_1 (Крахмал+лактоза+МКЦ) A_2 (Крахмал+лактоза+ магний оксиди) A_3 (Крахмал +лактоза) A_4(Крахмал++лактоза+МКЦ)	B_1-5% крахмал клейстери B_2-5% ПВП эритмаси B_3- этил спирти B_4- тозаланган сув	C_1- тальк C_2- кальций стеарати C_3- магний стеарати C_4 - стеарин кисотаси

Дастлабки тадқиқотларда олинган хом ашёлардан капсула массасини тайёрлашда юқорида келтирилган натижаларга асосланиб нам донадорлаш усулидан фойдаландик. Тадқиқотларда «Целнинцил» капсуласи учун боғловчи моддани массага бир неча усулда қўшиб ўргандик ва массани иккига бўлиб, донадорлаб капсула массасининг парчаланиш вақтини талабга жавоб беришига эришдик. «Мелоктонин» капсуласини олишда боғловчи модда бирданига қўшилиб керакли натижаларга эришдик.

Олинган натижалар юқоридаги 6-жадвалда келтирилди.

Олинган натижаларда Фишернинг F-критериясида текширилди. Бунда ўртача қиймат М ва стандарт хатолик, яъни хулоса хатолиги таҳминан 5% дан ошмаслиги кузатилди ($p<0,05$). Олинган тадқиқот натижалар қуйдагиларни намоён қилди: тавсия этилаётган капсулаларнинг парчаланиши кўрсаткичига А-омил, яъни А- тўлдирувчи тури, В омил – боғловчи моддалар тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. С-омил (антифрикцион моддалар) таъсир кўрсатмаслиги кузатилди.

Юқоридаги омилларнинг тавсия этилаётган капсулалар парчаланишига таъсири эса қуйидагича намоён бўлди: «Целнинцил» капсулалари учун КА = 56,69%, КВ = 25,60%, КС = 7,09% ҳамда «Мелоктонин» капсулалари учун эса қуйидагича намоён бўлди: КА = 49,91%, КВ = 17,87%, КС = 6,11% , умумий қилиб олинганда назорат қилинадиган омиллар таъсири К = 89,39% ҳамда К = 91,25% ва тадқиқот хатолиги Кп = 10,60% ҳамда Кп = 9,46% ни мос равишда ташкил этди.

Назорат қилинмайдиган омиллар таъсири ўлчашда бўладиган хатоликлар ҳисобига ҳам амалда учраб туради. С омилининг таъсири

(антифрикцион моддалар) ҳар иккала капсуланинг ўрганилаётган кўрсаткичларига деярли таъсир кўрсатмаслиги кузатилди ($p > 0,05$). Тадқиқотларда «Целнинцил» капсулаларида деярли барча ўрганилган таркибларда тўлдирувчи, боғловчи моддалар капсуланинг эриш кўрсаткичи бўйича салбий натижалар намоён қилганини ва фақат 16-таркибдаги композиция парчаланиш вақтининг талаб даражасида эканлигини кўрсатди.

